

**Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли “яшил иқтисодиёт”га асосланган****Н.Тўраева**

ТДИУ мустақил изланувчиси

Аннотация: Яшил иқтисодиёт шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиёт ва экологияни ўзаро узвий боғланган тизим сифатида шакллантиришни талаб этади. Бугунги кун иқтисодиётида тармоқлар ривожланиши инсон эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу кўп ҳолларда эколого-иқтисодий мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлади. Яшил иқтисодиёт концепциясини жамиятда амалга оширишда нафақат экологик ташкилотлар, балки барча бизнес ва саноат субъектлари ҳам иштирок этиши муҳимдир. Бу борада молиявий институтлар, банклар, алоҳида ўрин тутди.

Иинвестиция жараёнларида муҳим ўрин эгаллаб, яшил иқтисодиётга зид келувчи лойиҳаларни молиялаштирмаслиги ёки аксинча, экологияга мос келадиган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш имкониятига эга. Шу сабабли, яшил иқтисодиётни қўллаб-қувватловчи молиявий воситаларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш орқали жамиятдаги ижтимоий масъулиятни ошириши мумкин. Иқтисодиёт ва табиат ўртасидаги муносабатни чуқур таҳлил қилиш, яшил лойиҳаларнинг молиявий манбаларини такомиллаштириш, ҳамда банк секторининг роли ва таъсирини кенг тадқиқ қилиш, истиқболли стратегик ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Тижорат банклари, ҳар қандай бизнес ташкилоти каби, максимал фойда олишни мақсад қилганлиги сабабли, анъанавий лойиҳаларни молиялаштириш яшил лойиҳаларга нисбатан молиявий жиҳатдан манфаатлироқ кўринади. Яшил лойиҳалар, тозалаш технологиялари, сув ва ҳаво ресурсларини ҳимоя қилиш учун қўшимча сарф-харажатларни талаб қилиши туфайли, банк тизимида анъанавий



бизнес лойиҳаларга қараганда камроқ фойда келтирувчи деб ҳисобланиши мумкин. Рақобатбардош бозор шароитида тижорат банклари инвестиция қарорларини кредит хавфини минималлаштириш мақсадида экология принципларига жавоб бермайдиган лойиҳаларни молиялаштиришни манфаатли деб билади. Шу боис, халқаро тажриба эътибор қаратишимиз керак бўлади, бунда яшил иқтисодиётни ривожлантиришда банк сектори ҳал қилувчи роль ўйнашини кўришимиз мумкин. Масалан, Жанубий Корея, Хитой, Дания ва Европа Иттифоқи давлатлари бу соҳада пешқадам бўлиб, яшил технологиялар ва лойиҳаларни иқтисодиётга жорий этишда самарали механизмлар яратишган. Жанубий Корея тажрибасида банклар яшил иқтисодиётни қўллабқувватловчи муҳим молиявий воситачилар сифатида фаолият юритмоқда.

Хусусан, Корея Банки (BOK) ва KOREA GREEN GROWTH TRUST FUND (KGGTF) банк тизимида яшил ривожланишни илгари суришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. KGGTF 2011 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозиргача 180 дастурни молиялаштирган ва жами 138 млн АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган.

Дания ва Европа Иттифоқи давлатлари узоқ йиллардан бери тўлиқ яшил технологияларни жорий этиш ва уларни молиялаштиришга катта эътибор қаратиб, банклар, инвестиция жамғармалари ва бошқа молиявий ташкилотлар ушбу жараёни молиявий қўллаб-қувватлаган. Ушбу мамлакатларда экологик маданият юқори даражада ривожланган бўлиб, оддий фуқаролардан тортиб, давлат хизмати ва бизнес вакиллари ҳам табиат ҳимоясига масъулият билан ёндашади. Бунга сабаб сифатида мактаб ўқув дастурларига "Экология" фанини мажбурий тарзда киритилишини кўрсатиш мумкин. Банклар яшил иқтисодиётни қўллаб-қувватлашда фаол позицияни эгаллаши зарур.

Халқаро тажрибага кўра, яшил технологиялар ва лойиҳаларни молиялаштириш усуллари турлича бўлиши мумкин. Жумладан, яшил облигациялар - асосий воситалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб, дунё бўйлаб яшил облигациялар қарийб 390 млрд АҚШ доллари миқдорида чиқарилган ва уларнинг ҳажми доимий равишда ўсмоқда. Банк секторининг яшил иқтисодиётга



мослашувчанлигини ошириш, молиявий инструментларини такомиллаштириш, ҳамда экологик лойиҳаларни юқори рентабелликка эга бизнес моделларга айлантириш масалалари истиқболли тадқиқот йўналишлари сифатида қаралиши лозим.

Яшил иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим қадамлардан бири яшил ва экологик лойиҳаларни кредитлаш ҳисобланади. Ушбу жараён самарали ишлаши учун аниқ стандартлар, принциплар ва методологик асослар талаб этилади. Яшил лойиҳаларни молиялаштириш манбалари сифатида яшил облигациялар, шунингдек, хусусий ва давлат молиявий ресурслари хизмат қилиши мумкин. Халқаро амалиётда ESG (Environmental, Social, Governance) принциплари ишлаб чиқилган бўлиб, улар учта асосий компонентни ўз ичига олади:

- Экология (E - Environment) – атроф-муҳитга масъулиятли муносабат ва экологик зарарни минималлаштириш чоралари;
- Ижтимоий масъулият (S - Social) – ходимлар, мижозлар, таъминотчилар ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Корпоратив бошқарув (G - Governance) – компаниялар учун шаффоф бошқарув ва юқори корпоратив этика стандартларини таъминлаш.

Бугунги кунда экологик маданият юқори ривожланган мамлакатлар ESG принципларига мос равишда фаолият юритувчи бизнесларни рағбатлантиришга ҳаракат қилмоқда. Бу, асосан, яшил лойиҳалар даромадларига имтиёзли солиқ тизимини қўллаш орқали амалга оширилади. ESG принциплари, шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг ESG рейтингини белгилаш имконини беради, бу эса ишлаб чиқариш объектларини яшил иқтисодиёт учун хизмат қилишни манфаатини оширади. Банк-молия секторининг халқаро тажрибасида яшил кредитлар муҳим ўрин тутди. Бу борада эътиборга молик қатор молиявий маҳсулотлар мавжуд:



- Ёқилғи самарадорлиги юқори бўлган автомобиллар учун автокредитлар, улар анъанавий кредитларга нисбатан пастроқ ставкада берилади ва экологик тоза транспорт воситаларини харид қилишни рағбатлантиради;
- Яшил ипотека, бу қурилиш ва яшаш жойларини сотиб олиш учун ажратиладиган кредит тури бўлиб, яшил иқтисодиёт стандартларига мос келувчи объектлар учун тақдим этилади;
- Яшил депозитлар – инноватив молиявий маҳсулот бўлиб, экологик тоза лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Улар анъанавий депозитларга нисбатан бир қатор устунликларга эга:

- Эко-лойиҳаларга йўналтирилади;
- Маблағлардан шаффоф фойдаланиш, мижозларнинг экологик фаолликка реал таъсирини ошириш;
- ESG принципларига мос равишда жойлаштирилган инвестициялар.

Юқорида келтирилган халқаро амалиёт тажрибасига асосланган ҳолда, Ўзбекистонда яшил иқтисодиётни ривожлантириш учун қуйидаги чоратадбирлар долзарб ҳисобланади:

- Яшил иқтисодиёт стандартлари ва ESG принципларига мувофиқ норматив-методологик асосларни такомиллаштириш;
- Банкларни яшил лойиҳаларни молиялаштиришда рағбатлантириш;
- Банкларни нодавлат ташкилотлар ва экологик фондлар билан ҳамкорлик қилишини кучайтириш, бу уларнинг обрўсини мустаҳкамлаш ва янги мижозларни жалб қилишга ёрдам беради;
- Яшил молия, инвестициялар ва экологик масъулият борасида таълим дастурларини ривожлантириш, бу экологик жавобгарликка эга маҳсулот ва хизматлар танлашга бўлган қизиқишни оширади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бугунги кунда замон талаби ҳисобланади. У нафақат табиатни асраш, балки барқарор



иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва келажак авлод учун соғлом муҳит яратиш имконини беради. Демак, бу йўналишда давлатимиз раҳбари бошчиликларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли, пухта йўланган стратегик ислохотлар – “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт модели”ни рўёбга чиқариш йўлида барчамиз бирлашиб камарбаста бўлиш, келажакимиз учун бефарқ бўлмаган ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.